



## НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*DSc, проф. Боронов Бобур Фарходович*

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

*ORCID: 0000-0002-2597-4755*

*[bobur-boronov@mail.ru](mailto:bobur-boronov@mail.ru)*

*Саломов Шавкат Фаёсович*

*“Тасдиқ Аъло Ўқув” масъулияти чекланган жамият*

*ORCID: 0009-0008-7373-9929*

*[shavkat3405555@gmail.com](mailto:shavkat3405555@gmail.com)*

**Аннотация.** Мақолада нодавлат таълим ташкилотларининг мамлакат миллий иқтисодиётидаги аҳамияти, ушбу тармоқ соҳаларини ривожлантиришда ҳукумат томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, нодавлат ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган таълим хизматлари сифатини назорат қилувчи ташкилотларнинг вазифалари, шунингдек, таълим фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини юртишнинг долзарб масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** нодавлат таълим ташкилотлари, давлат мактабгача таълим ташкилотлари, нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, бухгалтерия ҳисоби, таълим хизматлари, таълим жараёни, молиявий ҳисобот.

## ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РАЗВИТИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

*DSc, проф. Боронов Бобур Фарходович*

*Самаркандский институт экономики и сервиса*

*Саломов Шавкат Фаёсович*

*Общество с ограниченной ответственностью “Тасдиқ Аъло Ўқув”*

**Аннотация.** В статье описано значение негосударственных образовательных организаций в национальной экономике страны, социально-экономическая политика государства в развитии этих отраслей, задачи организаций, осуществляющих контроль качества образовательных услуг, оказываемых негосударственными организациями. организациях, а также актуальные вопросы бухгалтерского учета в общественных организациях, осуществляющих образовательную деятельность.

**Ключевые слова:** негосударственные образовательные организации, государственные дошкольные образовательные организации, негосударственные дошкольные образовательные организации, бухгалтерский учет, образовательные услуги, образовательный процесс, финансовая отчетность.

**ORGANIZATIONAL AND LEGAL ASPECTS OF THE DEVELOPMENT OF THE ACTIVITIES OF NON-GOVERNMENTAL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS**

*DSc, prof. Boronov Bobur Farxodovich*  
*Samarkand Institute of Economics and Service*  
**Salomov Shavkat Fayosovich**  
*“Tasdiq Aъло Ўқув” limited liability company*

**Abstract.** *The article describes the importance of non-governmental educational organizations in the national economy of the country, the socio-economic policy of the government in the development of these sectors, the tasks of organizations that control the quality of educational services provided by non-governmental organizations, as well as the current issues of accounting in non-governmental organizations engaged in educational activities.*

**Keywords:** *non-governmental educational organizations, public preschool educational organizations, non-governmental preschool educational organizations, accounting, educational services, educational process, financial reporting.*

**Кириш.**

Республикамиз ижтимоий-иқтисодиётини модернизациялаш шароитида иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш, уларни ислоҳ қилиш, фаолият доирасини янада кенгайтиришга оид қатор ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, ҳукуратимиз томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва ушбу тармоқларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган таълим хизматлари соҳаларига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу йил учун прогноз хизматлар кўрсатиш улушини мамлакат ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6,1%га ўсишини таъминлаш бўйича вазифа қўйилган. Ушбу кўрсаткичлар шуни кўрсатадики, бугунги келиб, хизмат кўрсатиш соҳаси, хусусан унинг асосий таркибий қисми ҳисобланган таълим хизматлари бўйича мамлакат миллий иқтисодиётида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда (Қонун, 2023).

Ҳозирги беқарор гоесиёсий вазият ва глобал иқтисодий инқироз шароитида, йилдан-йилга мамлакатимизда аҳоли сони ошиб, 36 800 миллион (Stat.uz, 2024) нафарга етган бир даврда таълим хизматлари соҳасини янада ривожлантириш орқали аҳоли турмуш-тарзини юксалтириш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса, таълим хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар олдида янги вазифаларни юклайди. Қолаверса, мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг асосий кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек мазкур тармоқни тартибга солиш ва бошқаришда замонавий усулларни кенг жорий қилиш заруриятини келтириб чиқаради.

Бугунги кунда, ушбу нодавлат мактаблар фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада мамлакатимиз Президентининг “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида (2023) нодавлат таълим ташкилотлари тармоғини янада кенгайтириш, ушбу фаолиятни амалга ошириш бўйича рухсат бериш тартиб-қоидаларини енгиллаштириш, лицензия олишда назарда тутилган жараёнларни соддалаштиришга оид алоҳида вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, ушбу Фармонда мактабгача ва мактаб таълими соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилган бўлиб, унда нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари учун лицензия бериш тартиб-қоидаларини такомиллаштиришга

қаратилган қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилган:

- нодавлат мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятида ўқитувчиларнинг малака тоифалари, шунингдек синфхоналарда ўқувчиларнинг сонига кўйилган чекловларни енгиллаштириш;

- ушбу ташкилотларнинг спорт заллари бўлмаган тақдирда бошқа корхоналарнинг таълим стандартларига тўлиқ жавоб берадиган спорт мажмуаларидан текинга ёки ижара шартномаси асосида фойдаланишлари учун рухсат бериш;

- вазирлик ҳамда ҳудудий бошқармалар томонидан текшириш жараёнларини ваколатли органларни хабардор қилган ҳолда ўтказишни ташкил этиш ва бошқалар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган жараёнлардан айтиш жоизки, бугунги кунда, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятига бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб, ушбу ташкилотларнинг мамлакат миқёсидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

### Адабиётлар шарҳи.

Мамлакатимизда таълим хизматларига бўлган эътибор кун сайин ошиб, ушбу хизматларни амалга оширувчи таълим хизматларини кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солиш ва уларни ривожлантириш бўйича қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Иқтисодий адабиётларда ҳам таълим хизматлари турлари ва уларнинг сифатини янада ошириш, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Тохиров (2022) ўзининг “Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини шакллантириш” номли тадқиқот ишида давлат-хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар мисолида таълим хизматлари сифатини ошириш, ушбу хизматлар бозорини ривожлантириш ҳамда уларнинг сифатини белгиловчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш каби масалалар тадқиқ этилган.

Ҳамидова (2022) эса, олий таълим муассасалари мисолида таълим хизматлари бозорини тадқиқ этиб, “таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизминини такомиллаштириш Ўзбекистонда олий таълим тизимини иқтисодий тараққиёт истиқболларини ва жамият эҳтиёжига мослигини таъминлайди, соҳани амалиётга мослаштиради ва инвестицион жозибадорлигини оширади”, деган хулосага келган. Олим томонидан келтирилган ушбу тавсифда мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш бевосита таълим хизматлари бозорини ривожлантириш билан боғлиқ, деб ҳисоблаган.

Мамлакатимиздаги яна бир иқтисодчи олимлардан Очилова (2024) илмий тадқиқот ишида олий таълим ташкилотларида таълим хизматларини ривожлантириш омилларининг бир-бирига боғлиқлигини асословчи модел таклиф этган бўлиб, ушбу моделнинг таълим хизматларини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллари ва уларни танлаш орқали бошқарув ходимлари томонидан қарорлар қабул қилиш бўйича тизими тавсия этилган.

Бугунги кунгача бажарилган илмий тадқиқот ишларида асосан олий таълим муассасалари мисолида ишлар бажарилган бўлиб, нодавлат таълим ташкилотлари ва улар томонидан кўрсатиладиган нодавлат таълим хизматлари бўйича аниқ бир таърифлар мавжуд эмас. “Нодавлат таълим ташкилоти – давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия асосида ёки хабардор қилиш тартибида таълим хизматлари кўрсатувчи юридик шахс” (Қонун, 2020) ҳисобланиб, ушбу тармоқ ташкилотлари ижтимоий-иқтисодий вазифаларни амалга ошириб, аҳолига таълим хизматларини кўрсатадилар.

Юқорида келтирилган тадқиқот натижалари асосида айтиш мумкинки, таълим

ташкilotларига берилган тавсифлар умумий характерга эга бўлиб, улар айнан нодавлат таълим ташкilotлари фаолиятларига хос бўлган жиҳатларни очиб бермайди, деб ҳисоблаймиз. Бу эса, ҳозрги кунда, нодавлат таълим ташкilotлари ва улар томонидан амалга ошириладиган таълим хизматларининг барча жабҳаларини тадқиқ этишнинг долзарблигини келтириб чиқаради.

### Тадқиқот методологияси.

Нодавлат таълим ташкilotларининг мамлакат миллий иқтисодиётида ўрни ва уни ривожлатиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари бўйича олиб борилган тадқиқотда илмий абстракциялаш, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, қиёслаш, индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бугунги кунда, нодавлат таълим ташкilotлари томонидан амалга ошириладиган хизматлар ҳажми кундан-кунга ошиб, ушбу ташкilotларнинг мамлакат миқёсидаги ўрни ва аҳамияти ҳам тобора ортиб бормоқда. Статистика маълумотларига аҳамият бериб қарайдиган бўлсак, таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 2010 йилда 763,1 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб ушбу кўрсаткич 20 418,4 млрд сўмни ташкил этмоқда. Мамлакатимизда иқтисодий фаолиятнинг таълим соҳасидаги хизматлар турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмининг йиллар кесимидаги улушини қуйидаги расм орқали кўриб чиқамиз:




**1-расм. 2010-2023 йилларда Республикада таълим соҳасидаги хизматлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд. сўмда**

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Ушбу расм маълумотларидан кўриш мумкинки, таълим соҳасига берилаётган эътибор самараси ўлароқ таълим хизматлари ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 24 декабрда “Нодавлат таълим ташкilotлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори (2019) қабул қилинди ва ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда нодавлат таълим ташкilotларининг намунавий устави белгилаб берилди. Нодавлат таълим ташкilotлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар лицензия асосида амалга оширилиб, ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан берилиши кўзда

тутилган. Бироқ, бугунги кунда, ушбу инспекция фаолияти тугатилган бўлиб, ушбу ташкилотга бириктирилган вазифалар Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ва унинг таркибидаги ташкилотларга ўтказиб берилган. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги структурасини қуйида келтирилган расм орқали ифодалаймиз:



**2-расм. Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги структураси**

*Манба:* тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Юқорида келтирилган расм асосида кўриш мумкинки, Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги йирик структурага эга ташкилот ҳисобланиб, унинг таркибий тузилмасига таълим хизматларини назорат қилиш фаолияти билан шуғулланадиган барча ташкилотлар киради.



**3-расм. Мақтабгача таълим агентлиги структураси**

*Манба:* тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Мактабгача таълим агентлиги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг асосий бўғини ва давлат бошқарув органи ҳисобланиб, ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган таълим хизматлари фаолиятини назорат қилиб боради. Агентликнинг таркибий тузилишини қуйидаги расм орқали кўриб чиқамиз:

Расм маълумотларидан кўриш мумкинки, мактабгача таълим агентлиги ҳудудда жойлашган мактабгача ва мактаб таълими бўлимларида фаолият кўрсатаётган давлат ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини назорат қилувчи орган ҳисобланади. Нодавлат таълим хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар бўйича агентлик таркибидаги ташкилотлар томонидан белгиланган вазифалар нодавлат таълим ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг давлат стандартлари талаблари асосида бажарилишини таъминлаб, аҳолининг ушбу хизматларга бўлган талабини қондиради ва бозорда рақобат муҳитини келтириб чиқаради. Бу эса, нодавлат таълим ташкилотлари олдида хизмат кўрсатиш жараёнини тўғри ташкил этиш, уларни бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттириш, шунингдек аниқ ва шаффоф ахборотларни ўзида акс эттирувчи молиявий ва солиқ ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни тақдим этиш имконини беради.

### Хулоса ва таклифлар.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, аҳолининг таълим хизматларига бўлган талабларини тўлиқроқ қондириш мамлакат олдидаги асосий ва долзарб вазифалардан ҳисобланиб, ушбу тармоқ корхоналари фаолиятини ислоҳ қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш лозим бўлади. Шу боис, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш бўйича айрим муаммо ва камчиликлар мавжуд бўлиб, тадқиқот жараёнида ушбу камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича қуйидаги хулоса, илмий таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

\* Республикамизда таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлари ўртасида рақобатбардошлик даражаси паст бўлиб, ушбу хизмат кўрсатиш тармоқларига давлат томонидан кенг имкониятлар очиб бериш, уларнинг фаолиятларини ривожлантириш бўйича ҳар томонлама шароитлар қилиб бериш лозим.

\* Нодавлат таълим ташкилотларини моддий техника базасини модернизациялаш, замонавий ахборот технологиялари билан мақсадида уларга имтиёзлар бериш ҳамда ушбу информацион технологияларни қўллашда мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш лозим.

\* Бугунги кунда, нодавлат таълим ташкилотларида ташқи инвесторларни жалб этиш улар фаолиятини ривожлантиришнинг энг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун молиявий ва бошқарув ахборот фойдаланувчилари учун ахборотларни ҳисобот шаклларида шаффоф ва аниқ акс эттириш лозим. Бу эса, корхона ва ташкилотлар олдида, хусусан нодавлат таълим ташкилотларида молиявий ҳисобот шакллари халқаро стандартлар асосида тузиш вазифасини юклайди.

\* Нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари турлари ва сифатини ошириш ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш орқали таълим хизматлари таннархини пасайтириш лозим.

\* Таълим хизматларини амалга оширувчи ташкилотларга давлат томонидан солиқ ва бошқа турли хил имтиёзлар бериш орқали уларнинг қишлоқ ва шаҳардан ташқари жойларда арзон ва имтиёзли нархларда хизмат кўрсатишларини ташкил этиш мумкин.

\* Замонавий технологияларни ташкилотларга жорий этиш орқали таълим хизматлари сифати ва турларини, шунингдек меҳнат унумдорлигини ошириш лозим. Бу эса, ўз навбатида, нодавлат таълим ташкилотлари даромадларининг ошишига,

харажатларни қисқартиришга ҳамда таълим хизматлари таннархини пасайтиришга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар асосида айтишимиз мумкинки, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш базасини кенгайтириш, модернизациялаш бугунги куннинг долзарб ва муҳим масалаларидандир. Ушбу масалаларни ижобий ҳал қилишда ташкилотларни самарали бошқариш, уларнинг фаолиятларини халқаро тажрибалар асосида янгитдан ташкил этиш, таълим хизматлари турларини оширган ҳолда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, таълим хизматлари таннархини пасайтириш орқали ташкилот даромадини ошириш, ташкилотларнинг инвестицион жозибадорлигини оширган ҳолда хорижий инвесторларни жалб қилиш талаб этилади. Бу эса, нодавлат таълим ташкилотларида таълим хизматлари, ушбу жараёнларни амалга оширишда харажатлар ҳамда хизматларни сотишдан тушган даромадларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш, уларни тан олиш ва баҳолаш ҳамда хорижий инвесторлар учун ахборот имконини очиб бериш мақсадида халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисобот шакллари тузишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

#### **Адабиётлар /Литература/Reference:**

Stat.uz. (2024). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi. [online] Available at: <https://www.stat.uz/uz/>.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2019 йил 24 декабрь. 1028-сон.

Қонун (2020) Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 2020 йил 23 сентябрь, № ЎРҚ-637-сон.

Қонун (2023) Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни. 2023 йил 25 декабрь. ЎРҚ-886-сон.

Очилова Ҳ.Н. (2024) Инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида олий таълим хизматларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. -Т.

Тоҳиров Ж.Р. (2022) Таълим хизматлари сифатини оширишда давлат-хусусий шерикликнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини шакллантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. -Т.

Фармон (2023) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 26 май. ПФ-79-сон.

Ҳамидова А.А. (2022) Таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллаштириш (олий таълим муассасалари мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. -Т.